



IMPROVEMENT OF THE LEGAL FRAMEWORK FOR THE ACTIVITIES OF THE OFFICE OF OFFENSES' PREVENTION OF OFFENSES OF THE DEPARTMENT OF PUBLIC SECURITY OF THE MINISTRY OF INTERNAL AFFAIRS DURING THE REFORMS OF NEW UZBEKISTAN

Amanov Abrorjon Abdullaevich

Professor of the Institute for Advanced Training of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14250318>

ARTICLE INFO

Received: 25th November 2024
Accepted: 29th November 2024
Online: 30th November 2024

KEYWORDS

Ministry of Internal Affairs, Department of Public Security, Crime Prevention Services, Crime Prevention Activities, Legal Framework.

ABSTRACT

The article discusses the improvement of the legal framework for the activities of the crime prevention services of the Department of Public Security of the Ministry of Internal Affairs during the reforms of New Uzbekistan, as well as suggestions and recommendations for the more effective organization of this activity.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРИ ДАВРИДА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДЕПАРТАМЕНТИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

Аманов Абдоржон Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14250318>

ARTICLE INFO

Received: 25th November 2024
Accepted: 29th November 2024
Online: 30th November 2024

KEYWORDS

Ички ишлар вазирлиги, Жамоат хавфсизлиги департаменти, Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари, хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти, хуқуқий асос.

ABSTRACT

Мақолада Янги Ўзбекистон ислоҳотлари даврида Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолияти хуқуқий асосларининг такомиллаштирилиши хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил этишга оид таклиф ҳамда тавсиялар билдирилган.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларга қарши курашиш ва умуман, хуқуқбузарликлар профилактикаси,



уларнинг сабабларини ҳамда содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг асосий вазифалари ҳисобланади ва уларнинг ҳуқуқ-бузарликлар профилактикаси фаолияти жамият ижтимоий ҳаётида нормал, тинч ва осуда ҳаётий мезонлар таъминланишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу субъектларнинг ўз хизмат фаолиятларини самарали амалга ошириш-лари учун эса, юртимизда бугунги Янги Ўзбекистон ислоҳотлари даврида ўзига хос норматив-ҳуқуқий асослар ва тегишли шарт-шароитлар яратилиб келинмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Янги Ўзбекистон ислоҳотлари даврида ички ишлар органлари тизимидаги ислоҳотларнинг янги босқичига, яъни, ҳуқуқбузар-ликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид ички ишлар органлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган қатор норматив – ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиси тўғрисида»¹ги ПФ-4947-сон Фармони асосида қабул қилинган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» асос бўлди десак муболаға бўлмайди.

Жумладан, мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 14 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»²ги ПҚ-2833-сонли Қарорини Янги Ўзбекистон ислоҳотларининг бошланиш даврида Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилишидаги муҳим қадамлардан бири сифатида эътироф этишимиз лозим. Сабаби, мазкур қарор ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳамкорлигини такомиллаштиришга ҳамда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда янада самарали тизим яратилишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиси тўғрисида»ги фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.



тўғрисида»³ги ПФ-5005-сон Фармони эса, том маънода ички ишлар органларининг, шу жумладан, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, такомил-лаштириш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб вазифаларини белгилаб берди. Хусусан, мазкур Фармонга биноан мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарлик-ларнинг олдини олиш ва профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашлари томонидан ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботлари, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан ҳар чоракда туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг ҳисоботлари ҳамда ҳар ойда уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосар-ларининг ҳисоботлари эшитиладиган тартиб белгиланиб, Ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари эшитилаётганда улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши юзасидан кўрилатган чоралар ва ишлар натижаси танқидий муҳокама қилиниши, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилиши, шунингдек, эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилиниши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁴ги ПҚ-2896-сон Қарорининг қабул қилиниши ҳам Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланишига, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда уларни бошқаришни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, мазкур қарорда:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг республика, ўрта ва қуйи поғоналари фаолиятининг сифат жиҳатидан янги тартибни ўрна-тиш, бунда уларнинг асосий вазифалари, функциялари ҳамда жавобгарлиги-ни аниқ белгилаш ва чегаралаш, профилактика инспекторлари зиммасига улар фаолиятига хос бўлмаган функциялар юклатилишига йўл қўймаслик;
- профилактика ишини аҳоли, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш, ушбу ишни, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарлик-ларнинг барвақт олдини олишни

³ Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.



таъминлашга, жамиятда ҳуқуқий маданият-ни юксалтиришга, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик муносабатини сингдиришга қаратиш;

- вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш тизимини уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ўсиб келаётган ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ҳолда ривожлантириш;

- профилактика инспекторларининг зиммаларига юклатилган мажбу-риятларнинг талаб даражасида бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини кучайтириш, шу жумладан ўзларининг фаолияти ҳақида жамоатчилик олдида тизимли равишда ҳисобот беришларини йўлга қўйиш, уларнинг аҳолини ташвишга солаётган муаммоларга юзаки муносабатда бўлиш ҳолатларига чек қўйиш;

- профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг таъсирчан мезонларини жорий этиш, бунда, биринчи навбатда жамоатчилик фикри, уларнинг фаолияти натижаларидан фуқароларнинг қаноатланиши ҳамда аҳоли билан ҳамкорлик даражасини ҳисобга олиш;

- ушбу соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, профилактика инспекторларининг билим даражаси ва касбий тайёргарлигини ошириш, улар учун муносиб иш шароитларини яратиш, уларни бевосита ўзларига бириктирилган ҳудудда хизмат турар жойи билан таъминлаш, зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш натижадорлиги учун моддий рағбатлантириш механизмларини жорий этиш каби ҳуқуқбузар-ликлар профилактикаси самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларини энг муҳим вазифаси сифатида қайд этилди.

Шунингдек, мазкур қарор билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига 2018 йилнинг 1 январига қадар профилактика инспекторларини ўзлари бириктирилган ҳудудда хизмат турар жойи билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Айтиш мумкинки, амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида қабул қилинган Фармон ва қарорлар натижасида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, ички ишлар органларининг аҳолига яқинлигини таъминлаш ва ички ишлар бўлим (бошқарма)ларидан узоқда жойлашган аҳоли пунктларида фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида ички ишларнинг қўшимча равишда 175 та шаҳар бўлими (бўлинмаси) ва 824 та таянч пункти ташкил этилди⁵. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг энг қуйи бўғинида хизмат олиб борадиган профилактика инспекторлари сони 5867 тадан 6969 тага оширилди⁶. Ҳозирги кунда эса, мазкур соҳада

⁵ Мухамедов У.Х. Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидаги ислохотлар: биринчи босқич якунлари ва истикболдаги вазифалар // ЎЗР ИИБ Академиясининг ахборотномаси. - 2017. - № 4. - Б. 5.

⁶ Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш Монография. Т. 2018 й. - Б. 8.



амалга оширилган ислохотлар натижасида профилактика инспекторлари сони 10132 нафар бўлиб⁷, ушбу соҳани тажрибали ходимлар билан жамлаш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлин-малари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да»⁸ги қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида»ги низом билан ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқий макоми, улар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш ҳуқуқий жихатдан янада мустаҳкамланди.

Шунингдек, юқорида қайд этилган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартда қабул қилинган «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»⁹ги ПФ-6196-сон Фармони ҳам бевосита Янги Ўзбекистон ислохотлари даврида Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолияти ҳуқуқий асосларининг такомиллашти-рилишида ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, мазкур Фармонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самара-ли фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари этиб қуйидагилар белгилаб берилди:

- ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабаб-ларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;
- ҳудудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;
- «республика — вилоят — туман — маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат

⁷ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таҳлилий маълумотлари.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сон қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида»ги низом // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартда қабул қилинган «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.



органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакат-мизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

- ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.

Шу билан бирга, ушбу Фармонда ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши белгилаб берилди ҳамда:

- маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қўйи бўғини ҳисобланиши;

- маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилиши;

- маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланиши белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹⁰ги ПФ-27-сон Фармони ҳам бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқий мақомининг янада такомиллаштирилиши ва мустаҳкамланишида ҳамда аҳолининг тинч ҳамда осойишта ҳаётини таъминлаш, жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришда ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Хусусан, мазкур Фармон Жамоат хавфсизлиги департаментинг асосий вазифаларини белгилаб берди ва унинг асосий вазифаларидан бири сифатида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини таъминлаш, профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш ҳамда вояга етмаганлар ва ёшлар, айниқса уларнинг уюлмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишни таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини назорат қилиш, ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш эканлиги белгиланди.

Шунингдек, ушбу Фармон билан маҳаллада жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари профилактика инспекторлари зиммасига

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.



юклатилган вазифалар мақбуллаштирилди ҳамда профилактика инспекторларини уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга жалб қилиш ҳамда фаолиятига асоссиз аралашиб таъқиқланди. Шу билан бирга 2024 йил 1 сентябрдан эътиборан Тошкент шаҳар ички ишлар органлари, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб қолган ҳудудий ички ишлар органлари профилактика катта инспектори лавозимларига фақат олий юридик маълумотга эга бўлган ходимлар тайинланиши белгиланиб, профилактика инспекторлари учун бир қанча имкониятлар берилди ҳамда мазкур Фармон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси»¹¹да жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи субъектлардан иборат эканлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги мазкур субъектлардан бири эканлиги қайд этилиб, Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаши, жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг комплекс, тизимли таҳлилини олиб бориши, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиши, мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар, кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар ва тавсиялар киритиши белгилаб берилди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш, халқимиз ҳаёт тарзи, маънавияти, қадриятлари ва менталитетига тўлиқ мос келадиган турмуш тарзини яратишда самарали хизмат олиб бормоқдалар. Лекин, қайд этиш керакки, дунёда инсоният пайдо бўлганидан то бугунги кунга қадар ривожланиш сари қадам ташлаб келаётганидек, бошқача айтганда, жамият ҳар доим ривожланишда бўлганидек, ҳуқуқбузарликларнинг ҳам турлари кўпайиб, замон билан ҳамнафас такомиллашиб, ривожланиб ва мураккаб-лашиб бораётгани айтиш ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам, доимий тарзда ҳуқуқ-бузарликлар профилактикасини самарали амалга ошириш ва ҳуқуқбузар-ликларга қарши курашиш ҳар бир даврнинг ўзига хос долзарб вазифаларидан биридир.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолияти ва иш самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш бугун замон талабидир. Мазкур талабдан келиб чиқадиган бўлса, уларнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқ-бузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини бартараф этишда қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб, фаолиятнинг шакл ва усуллари ҳамда хизмат ваколатларидан самарали фойдаланган ҳолда амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.



Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги ахборот асри деб номланаётган XXI асрда, яъни, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган, шу билан бирга дунё ижтимоий ҳаётида замонавий таҳдидлар кенг қулоч ёзиб бораётган, бошқача айтганда, бугунги дунё жамияти ривожланиб боргани сари, ҳуқуқбузарликларнинг турлари ҳам тобора ривожланиб, мураккаблашиб ва такомиллашиб бораётган бир даврда, жамият ижтимоий ҳаёти ривожланишига мос равишда, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси хизматлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ҳам, бир сўз билан айтганда, улар фаолиятини тартибга солувчи қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам ўзига хос тарзда, замон билан ҳамнафас такомиллаштириб бориш долзарб вазибалардан биридир.

Мазкур ишларни ташкил этишда аввало, ушбу йўналишдаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, фаолият йўналишига оид қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимли таҳлил қилиш ҳамда мавжуд бўшлиқларни замон талабларидан келиб чиққан ҳолда тўлдириш бўйича тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича муҳим ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги кунда Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини кенг ва жиддий тарзда ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий нормаларнинг самарали шаклларини ҳаётимизга жорий этиш бугунги замон талаби десак муболаға бўлмайди.